

9-10-2019

THE ROLE OF LINKING VERBS IN EXPRESSING PREDICATIVITY IN THE SENTENCE

Muhammadjon Raxmonovich Ergashev
Teacher of Kokand state pedagogical institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ergashev, Muhammadjon Raxmonovich (2019) "THE ROLE OF LINKING VERBS IN EXPRESSING PREDICATIVITY IN THE SENTENCE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 51.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/51>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE ROLE OF LINKING VERBS IN EXPRESSING PREDICATIVITY IN THE SENTENCE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ГАПДА ПРЕДИКАТИВЛИКНИ ИФОДАЛАШДА БОҒЛОВЧИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ РОЛИ

Эргашев Мухаммаджон Рахмонович
Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақола боғловчи феъллар ва уларнинг гапда предикативликни ифодалашдаги ролига бағишланган. Гапнинг тил ва тафаккур ўртасидаги воситачилигининг ўрнини аниқлашда предикативлик тушунчаси муҳим ўрин тутishi ва у гап табиатининг барча сирларини очувчи калит вазифасини ўташи изоҳлаб берилган.

Калит сўзлар: боғловчи феъллар, предикативлик, грамматик қоидалар, грамматик категориялар, коммуникатив бирликлар, анъанавий грамматика.

РОЛИ СВЯЗНОМУ ГЛАГОЛУ В ПРЕДЛОЖЕНИИ ПРЕДИКАТИВНОЙ ВЫРАЗИТЕЛЬНОСТИ

Эргашев Мухаммаджон Рахмонович
Преподаватель Кокандского государственного педагогического института

Аннотация: Данная статья посвящается связному глаголу и их роли в предложении предикативной выразительности. Приведены разъяснения о концепции предикативности, которое занимает важное место в определении роли посредника между языком и мышлением и то, что она служит ключом к раскрытию тайн природы.

Ключевые слова: связочные глаголы, предикативность, грамматические правила, грамматические категории, коммуникативные единицы, традиционная грамматика.

THE ROLE OF LINKING VERBS IN EXPRESSING PREDICATIVITY IN THE SENTENCE

Ergashev Muhammadjon Raxmonovich
Teacher of Kokand state pedagogical institute

Abstract: The article is devoted to the linking verbs and their role in expressing predicativity in the sentence. The great role of the concept "predicativity" in determining the place of mediation between language and mind of the sentence and fulfilling the function of a key which can open all the secrets of nature of it have been elucidated.

Key words: linking verbs, predicativity, grammatical rules, grammatical categories, communicative units, traditional grammar.

Гапнинг тил ва тафаккур ўртасидаги воситачилигининг ўрнини аниқлашда предикативлик (ёки предикация) тушунчаси бажарганидек, дунёдаги нарса ёки ходисалар ўртасидаги воситачилик вазифасини боғловчи феъллар бажаради ва у гап табиатининг барча сирларини очувчи калит вазифасини ўтайди. Гап табиатини аниқлашда қўлланиладиган бошқа барча усуллар билан бир қаторда боғловчи феъллар баъзи бир истиснолар билан бўлсада, бир томонлама ўхшашдир. Уларнинг барчаси гап ясовчи предикациянинг мавқеига боғлиқдир. Бошқа барча усул ва

воситалар маълум бир даражада гапнинг англашилиши жараёнида нотўғри фикрга олиб келиши мумкин, бироқ предикативлик эмас. Э.Бенвенист гапнинг қандай бир ҳолатда вужудга келиши, сўз бирлиги ва умуман сўз ҳамда гапнинг асосий фарқи нимада эканлигини изоҳлар экан “Бу биринчи ўринда фақат гапгагина хос бўлган барча тил birlikларидан фарқловчи омил бўлган предикативликдир. Гапнинг бошқа барча хусусиятлари ушбуга нисбатан иккинчи даражали ҳисобланади. Гапнинг асосий ва ягона белгиси унинг боғловчи феъл ёрдамида воқелантирилган предикативлик характери дир. Гапнинг фарқланадиган барча турлари предикативлик мавжуд бўлган гапга чамбарчас боғлиқдир. Предикациясиз гап ҳам мавжуд бўла олмайди” дейди [1]. Предикациянинг гап тузилишидаги ўрнини кўрсатувчи бошқа ҳар қандай кўрсатмалар Э.Бенвенист таъкидлаган фикрнинг турли хил формасигина ҳисобланади.

Агар боғловчи феъл ёрдамида структураланган предикация ўзида гапнинг сирларини сақлар экан, у ҳолда гапнинг табиатини очиб беришга интилаётган барча тилшуносларнинг саъй-ҳаракати таркибида боғловчи феъл бўлган предикативликнинг ўзига хослигини ўрганишга қаратилган бўлади. Аслини олганда воқеаларнинг бундай ривож, яъни гап, предикация ва боғловчи феълнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз кетган барча ҳолатда биринчи навбатда предикация тилга олинади. Бироқ предикативликни аниқлаш худди гапдаги боғловчи феълнинг турини аниқлаш каби турлича бўлиб, уларнинг барчаси предикациянинг имманент ва контекстуал ифодаланган хоссалари билан биргаликда унинг белгиларини аниқлаб бўлмайдигандек туюлади. Бу ҳолат хаттоки А.А.Шахматовнинг коммуникация назарияси каби психологик аснода ҳам содир бўлади. А.А.Шахматовга кўра боғловчи феъллар фикрлашнинг энг оддий бирлиги (гап вужудга келтирадиган грамматик тугалланган ифода воситаси), сифатида “энг оддий мулоқот иккита тасаввурдан яъни предикативлик билан ифода этиладиган (умуман ўзаро боғлиқлик, маълум бир сабабли ва генетик) алоқадан иборат бўлади”. Бу турдаги предикативликни аниқлайдиган фикрдан кўра кўпроқ гапдаги сўзларни бир бирига боғлашда ишлатиладиган усуллар яъни турли маъноли боғловчи феълларнинг таърифига ўхшаб кетади. А.А.Шахматовнинг ушбу усули синтактик ва айни пайтда гап ва предикативликни боғловчи феъллар семантикаси ёрдамида изоҳлашдаги кейинги уринишларнинг асосини ташкил қилади. Аслини олганда А.Т.Пешковский ҳам А.А.Шахматовнинг фикрларига қўшилади. Фақат у предикативлик алоқаларнинг табиатига расмий ҳарактер берган ҳолос.

А.А.Шахматовнинг боғловчи феълларнинг гапни ҳосил қилишдаги роли ҳақидаги фикрлари гарчи психологик шуурлардан фориғ бўлсада, гап ва предикацияни кесимдаги боғловчи феъл маъноси орқали аниқлашга қисман қаратилган. Шу ерда гап ва предикативлик орасидаги алоқаларни аниқлашда боғловчи феъллар аниқ бир мантиқий доира ҳосил бўлади. Бунга ўхшаш тил ва нутқ каби категорияларнинг алмашинувида гапни тил ёки нутқнинг қайси бирига қўшиш кераклигини аниқлашда қайси боғловчи феълни қўллаш масаласи муаммо бўлиб қолаверади. Шундай бўлсада бирор бир тил синтаксиси ядросини боғловчи феъл ва унинг кенгайтирувчи элементлари каби тил birlikларига оид грамматик қоидалар

ташкил этиши ҳақида гапирилган экан, демак бу ҳолатда тил ҳақида гап кетаётганини аниқлашимиз мумкин. Бироқ ушбу фикр предикативликни аниқловчи фикрга тамоман қарши ҳисобланади, чунки предикацияга берилган таърифда “предикация – бу сўзловчининг борлиққа бўлган муносабатини қандайдир бир боғловчи феъл ёрдамида билдирувчи, ўзида тугалланган бир фикрни ифода этувчи ва гапнинг грамматик шаклланган нутқ бирлиги сифатида боғловчи феъл билан юзага келтирувчи синтактик категориялар бирлигидан иборат бўлган ҳодисадир. Боғловчи феъл ушбу гапни нутққа йўналтирувчи ва бир мунча тугалланган фикр категориясини муомалага киритади ва ўша тугалланган фикрни тузишда, ифода этишда ва хабар қилишда гапнинг ўзи асосий унсур ҳисобланади. Юқорида келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, боғловчи феъл ёрдамида ифодаланган предикативликнинг аҳамияти унинг маълум бир тил қоидаларига асосан грамматик шаклланган бир бутунликни турли хил грамматик категорияларнинг мажмуи сифатида гапга беради. Аслини олганда бу ерда предикативлик деб ажратишга эҳтиёж сезилмайди, сабаби юқоридаги ҳолат гапнинг таърифидир. Бироқ бошқа томондан олганда нарса ва белгиларни ўзича воқелантиришда қўлайдиган унсурлар мажмуи ҳисобланган предикативлик гапнинг табиатини белгилаб беради ва грамматик шаклланган нутқ бирлиги бўлган гапнинг барча нутқий категорияларини қамраб оладиган бутун бир тил грамматикасининг асосига айланади. Натижада синтаксиснинг асосини гап эмас, балки ўзининг боғловчи феъл каби барча ифодаланиш унсурлари ва турлари билан воқеланган предикативлик ташкил қилади. Охир оқибат предикативлик ўзининг расмий ифода этилиш услубларини бирма–бир санаб ўтишда иштирок этади. Агар предикация ўзининг расмий ифода усуллари билан боғланган ва улар фақатгина иккиламчи унсур ҳисобланса, бу ерда ҳеч қандай бир қизиқ ҳолат бўлмаслиги аниқ эди, бироқ бу ҳолат бу ерда умуман бошқачадир.

Ҳудди мана шу ҳолат Э.Бенвенист томонидан кўрсатиб ўтилган [2]. Ушбу фикрга кўпчилик қўшилади ва предикативлик ҳар доим ҳам гапнинг бўлаклари ва аъзолари билан ўзаро предикатив алоқада намоён бўлавермайди, балки у гапга тўлиқ мос бўлиб, гапни бўлақларга бўлинишини талаб этмаслиги мумкин (Shut up! It is getting dark.etc). Ушбуга ўхшаш гапларнинг грамматик тузилиши турлича бўлади. Шунга ўхшаш бўлақларга бўлинмайдиган гаплар фақатгина бир сўздан ёки экспрессив гапдан ташкил топиши мумкин. Бошқача айтганда, юқорида келтирилган предикативлик-нинг асослари мажбурий ҳисобланмайди ва у ҳар қандай тил бирлигида юзага келиши мумкин.

Юқорида келтирилганга қўшимча равишда Г.Г.Почепцов “гапни юзага келтирадиган предикативликнинг маъноси ва вазифаси гап мазмунининг воқеликка алоқадорлигини таминлашда боғловчи феъл муҳим роль ўйнашини” таъкидлаб ўтади [3]. Ушбу қўшимча билдирилган фикр ҳам масалага бирор бир енгиллик олиб келмайди, чунки ушбу ҳолатда гапнинг замон ва модаллик белгиларига асосланмоқда ва тегишли *verbum finitum* нинг формаси ва гап яхлитлигининг асосини ташкил қилувчи грамматик воситалар мажмуидан яъни “бир қадар тугалланган фикр” гагина тегишлидир. А.Талми ушбу ҳолатни бир қанча бошқа

аспектлар орқали кўриб чиқади. У ушбу ҳолатга бутун предикацияни боғлайди ва “фикрни борлиққа боғланишнинг ўзини предикация деб аташимиз мумкин бўлади ва нутқни гап формасида ифода этишда энг асосий ҳолат, қайсики гапни гап қилиб турган предикация ҳисобланади ёки фикр мазмунининг воқеликка алоқадорлигидадир” дейди [4]. Масаланинг бундай талқин қилиниши Р.Тайлор томонидан предикацияга берилган ва энг кенг тарқалган ва шу билан бирга гапга берилган таърифга бироз тесқаридир. У жумладан шундай дейди: гап – бу грамматик расмийлаштирилган нутқ бирлигидир ва у ўз мазмунини ифода этибгина қолмай, воқеликка бўлган алоқадорлигига ҳам асосланади [5] бироқ Л.А.Панасенконинг таърифи предикация гапни нутқнинг бирлигига айлантиради бироқ ушбу жараённинг гапга тегишли эканлигини очиб бера олмайди деган фикрнинг тасдиғи холос. Ушбу ҳолат бўйича қуйидаги асосли мулоҳазасини келтиришимиз мумкин. “Воқеликка алоқадорлик маълум бир гапнинг эмас, балки бутун бир нутқнинг хусусиятидир” [6].

Бошқа уринишлардан фарқли равишда бу ерда гап шак–шубҳасиз тилга боғланади ва предикация алоҳида бир грамматик вазифани бажариши кўрсатиб ўтилади, ҳукм тушунчаси гап тушунчасидан кенгроқ дейилади. Ушбу ҳолатни турли хил коммуникатив бирликлар борлиги ва ҳар қандай борлиқ ҳам мулоқотнинг усули ва мақсади бўлган, гап даражасига олиб чиқишга мос келолмаслигини таҳлил қилиш мумкин. Бошқача айтганда, гап фақат коммуникатив бирлик бўлиб қолади бироқ ушбу ҳолат гап мавжуд бўлиши шартларини тўлиқ бажара олмайди. Шундай қилиб, анъанавий грамматикада коммуникатив бирликларнинг барчасини жамлай олмайдиган, уларнинг маълум бир қисмигагина тегишли бўлган ва маълум бир талабларгагина жавоб бера оладиган грамматика келтирилади. Шундай бўлсада, коммуникатив қолдиқ гап чегарасидан ташқарида эсада қўшимча чегаралаш олиб борилади. Биринчидан эркин бир вазиятда содир бўладиган фикрлаш жараёни (Good morning! Please. Happy New Year!) каби эркин ҳолатда юз бермайдиган фикрлаш жараёнлари (Where are you going?–To the theatre каби конструкцияларда) кабилар ажратиб кўрсатилади. Юқоридаги икки ҳолатдан ташқари яна бир янги ва шу билан бирга анчагина кенг бироқ ҳеч нарсага арзимайдиган қолдиқ фикр бор ва у ҳақда шундай дейилади: “Бевосита ҳолат билан шартланадиган мулоҳазаларга келганда эса улар анчагина кенг мантиқ талаб қилинишини ва турли–туман эканлигини тасдиқлаш лозимдир”. Аслини олганда ушбу ҳолатда ҳар қандай сўз формаси агар маълум бир интонация, мимика ва ишора билан айтилганда ҳукмга айланиши мумкин. Бундай ҳукмларни ўрганиш оддий гап синтаксисга тегишли эмас балки, мантиқ назариясига тегишлидир.

Мулоқотнинг мустақил бирлиги сифатида ишлатиладиган ҳолат жуда кўплаб талабларга мувофиқ юз беради. Биринчидан гапларнинг энг асосий ва аҳамиятли жиҳати – бу оддий гап синтаксисини асосини ташкил қилувчи таркибий схемаларга боғлиқ бўлишидадир. Иккинчидан, гаплар маълум бир грамматик манога эга бўлиши керак ва шунинг ўзи ҳам предикативликдир.

Учинчидан, гапларнинг грамматик маъноси (ёки предикативлик) объектив модаллик ва синтактик замоннинг ажралмас бирлигидир ва у уларни ифода

этиш учун керакли воситалар тизимига эга бўлиши ҳамда уларни маълум бир таркибий тизимларга жойлаштирилиши лозимдир. Учинчи шартдан кўриниб турибдики, биз яна гапнинг мазмунини модал-замонлик маънолари орқали боғламоқдамиз. Бу ерда ҳеч қандай чекловлар қўйилмаган эди, бироқ энди улар маълум бир таркибий тизимлар мавжудлиги билан чекланмоқда ва айнан бир грамматик белгилар орқали ушбу маъноларни акс эттирмоқда. Агар мана шу барча шартлар бажарилса, маълум бир семантик шаблонларга узвий боғлиқ ва белгиланган миқдордаги гаплар мажмуига эга бўламиз.

Предикативлик категориясининг мавжудлиги яъни маълум бир грамматик воситалар орқали ифодаланадиган ва синтаксис замон ва объектив модалликнинг узвий бир маъносини ташкил этувчи, ҳамда ўзининг махсус бир таркибий тизимига эга бўлишидан ташқари оддий гапнинг эркин бир грамматик(синтактик) категорияси сифатида акс этишида асосий белгиси ҳам ҳисобланади. Ушбуга ўхшаш тарифларни одатда янги деб аташ мумкин.

Ушбу таърифга кўра гапдан ташқари ҳар қандай бошқа мулоҳаза (ҳукм) предикативлик хусусиятига эга эмас, ёки бошқача айтганда грамматик маънога эга эмас. Хўш, у ҳолда улар қандай қилиб коммуникатив бирлик вазифасини бажариши мумкин ёки мулоқот бирлиги сифатида ишлатилиши ва ҳаттоки тугалланган (ёки бир қадар тугалланган) фикрларни билдира олишлари мумкин. Энди аниқ бир матнни (Times, October 9, 1992 year. An article about a new method to teach bone diseases): “Within it we opened many things. For example to lengthen a bone to 20 cm or even, to 24 cm. With no transplanted. With no surgery. Only with the help of apparatus. The method of Ilizarov is that’s why called bloodless”, олиб таҳлил қиладиган бўлсак, у ҳолда матннинг анчагина қисми анъанавий грамматика тақдим этган методлар орқали таҳлил қилиб бўлмайдиган ҳолга келиб қолади. У ҳолда ўша бўлакни агар у ҳеч қандай тил бирлиги сифатида олинмас экан, қайси ҳолатга боғлай олишимиз мумкин? Ушбу ҳолатда табиий савол туғилади: хўш у ҳолда ушбу грамматик назариянинг асосини нима ташкил қилади, ёки маълум бир тан олинган белгилар ёрдамида танлаб олинган тил бирликлари жамланмасини ишлатиб қандай қилиб мулоқотда ишлатиш мумкин?

Предикативликка келтирилган юқоридаги қисқача малумотни тўла-тўқис ёки тугал маъноли деб ҳисоблаб бўлмайди. Бироқ у гап табиатини изоҳлашда предикативликнинг ахамиятини кўрсатишда маълум бир манба бўла олади.

Бироқ бу имкониятлар жудаям чеклангандир. Предикативлик категориясининг мазмунини аниқлашга ҳаракат маълум бир маънода тавтологиядир. Аслини олганда предикативлик гапнинг гап бўлмаган ҳолатлардан ўзининг қандай жиҳатлари билан фарқланишини кўрсатади.

Бироқ ушбу сифатни аниқ белгилаш ёки аниқлаш мушкулдир. Шундай экан, гап ҳам ўзига яраша иррационал, ҳаттоки мистик (сирли) сифатга эга бўлади. Ушбу ҳолат шунга олиб келадики, О.Есперсен каби тилшунослар “гап тўлиқ бир тушунча категорияси (a purely notional category) каби ҳулосаларга келишади, яъни сўз ёки сўз биримасини гап деб аташ учун уларга ҳеч қандай махсус бир грамматик шакл лозим бўлмай қолади. Гап ҳақидаги турли таърифларни ўрганиб, ҳеч қандай шак-

шубҳасиз шуни айтишимиз мумкинки, ушбу ҳолат бизнинг кўз олдимизда иккиланишга олиб келавради, яъники виртуал ва актуал, тил ва нутқ, гап ва гап бўлмаган тилга ва фикрга хос каби ҳолатларга олиб келади.

References:

1. Hengeveld, K. Non-verbal predication / K. Hengeveld. – Berlin–New York, 1992. – 45-46 p.
2. Benvenist E. Obshaya lingvistika. Per. s frans. / E. Benvenist. – Moskva: Progress, 1974. – 447 s.
3. Pochepsov G.G. Teoriya kommunikatsii / G.G. Pochepsov. – Moskva: Vakler, 2003. – 277 s.
4. Talmy, L. The Relation of Grammar to Cognition / Talmy L. // Topics in Cognitive Linguistics. – Amsterdam: John Benjamins, 1988. – P. 165–205.
5. Taylor, J.R. Linguistic Categorization: Prototypes in Linguistic Theory. Second Edition / J.R. Taylor. – Oxford: Clarendon Press, 1995. – 312 p.
6. Panasenko, L.A. Funktsionalnaya pol i kategorizatsiya glagola v sovremennom angliyskom yazike: Avtoref. dis. ... kand–ta filol. nauk: 10.02.04. / Panasenko Lyudmila Aleksandrovna; Tambov, gos. un–t im. G.R: Derjavina. – Tambov, 2000. – 21 s.